МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ЧОРШАНБА

2014 йил 12 март,
№22 (989)

www.mahallagzt.uz  info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Масъулият огоҳлик ва ҳушёрликка ундайди

***Маҳаллаларнинг жамиятимиз ҳаётидаги нуфузи ва мавқеи тобора ортиб бормоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тизим фаолияти такомилида муҳим асос бўлди.***

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўёбга чиқариш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 4 мартдаги «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳам ушбу саъй-ҳаракатларнинг узвий давомидир. Мазкур қарор фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигини, аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлигини ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги иштироки ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлайди.

Ушбу қарор билан «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисида»ги Низом янги таҳрирда тасдиқланган бўлиб, унда мустаҳкамланган қоидалар фуқаролар йиғини, хусусан, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятининг самарали фаолият юритишини таъминлайди. Табиийки, давр талаби асосида ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам ўзгартишлар киритилиб, янги ғоялар, янги мезон ва андозалар асосида янада такомиллашмоқда. Ушбу Низомда тузилма фаолиятини тартибга солишнинг давр руҳига мос механизмлари илгари сурилган, аввалги Низомдаги айрим мавҳумликларга ойдинлик киритилган.

> [2]

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР




■ Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

## Қадрият ва орзуларга уйғун фазилат

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 мартдаги фармойишига биноан жорий йилнинг март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 15 март — умумхалқ хайрия ҳашари куни, деб эълон қилинди**

***Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда ҳашар кунини ўтказишдан кўзланган мақсад Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш, аҳоли ўртасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам ва меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, ҳудудларни, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, республикамизда санитария ҳолатини янада яхшилашдан иборатдир.***

■ **Толибжон НИЗОМОВ**
**«Mahalla»**

— Айни пайтда Фонднинг республика ҳамда ҳудудий бўлимлари бошқарувлари ҳузурида умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилиб, ойлик чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшод Усмонов. — Фуқаролар йиғинлари билан биргаликда тарғибот ишларини олиб бориш орқали аҳолини ҳашарга кенг жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижроси ҳам доимий эътиборда.

> [2]

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

## Тингловчиларга махсус сертификатлар

***Фарғона шаҳрида фуқаролар йиғинлари ходимларининг дастлабки гуруҳи ўқув-курсларида малака оширди. Синовлардан муваффақиятли ўтган тингловчиларга махсус сертификатлар топширилди.***

■ **Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**

Дарсларда белгиланган режа ва дастурлар асосида амалий машғулотлар ўтказилди.

— Кўп йиллардан буён Фурқат тумани «Жангкетмон» маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлайман, — дейди Мунавварxон Эргашева. — Ўқувларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари олдида турган долзарб вазифалар борасида зарур маълумотларга эга бўлдик. Соҳага доир қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида мутасаддиларнинг маърузаларини тингладик. Бу ерда ўрганганларимиз кундалик иш фаолиятимизда дастуриламал бўлади.

Бинобарин, ўқув-курслари тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш каби азалий қадриятларимизни қарор топишида муҳим воситадир.

ДАСТУР ИЖРОСИ

## Эзгу мақсадларга мустаҳкам замин

***Миришкор тумани Қашқадарё вилоятининг энг чекка ҳудудларидан. 107 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган мазкур ҳудудда 12 та қишлоқ, 24 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 3 та шаҳарча мавжуд.***



■ **Санобар БОЙМУРОДОВА**
**«Mahalla»**

Тўрт томони яйлов ва бепоён кенгликларга туташган миришкорлар табиий ресурслари, ер ости қазилма бойликлари билан вилоятда ўзига хос ўринга эга. Яна бир жиҳати, бу ерда турли миллат вакиллари оға-ини, қуда-анда, аҳил, иноқ ҳаёт кечиришмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 февралдаги «Қашқадарё вилояти Миришкор туманини 2014-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида»ги Дастурига биноан ижтимоий-иқтисодий, жумладан, қурилиш, саноат, сервис ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини янада ривожлантириш, кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, йўл ва кўприклар қуриш кўзда тутилган. Бу эса қишлоқ ва маҳаллалар ободлиги, аҳоли фаровонлигининг янада ошишига замин ҳозирлайди.

> [2]

ЯНГИ ГУЗАР

## Шароитдан барча мамнун

***Урганч шаҳридаги маҳалла гузарларида яратилаётган шарт-шароитлар фуқароларни бирдек қувонтирмоқда.***

■ **Мухбиримиз.**

Айниқса, бу ерда фаолият юритаётган «Оила мактаби», «Аёллар маслаҳатхонаси», «Ёшлар клуби» ҳамиша гавжум.

— Гузарлар фуқаролар йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи тармоқларни умумлаштириб турувчи маскан саналади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Урганч шаҳар бўлинмаси раиси Алишер Юсупов. — Шу боис вилоят марказидаги маҳаллаларда гузарлар барпо қилиш ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Жорий йилда шаҳарда яна 12 та маҳалла гузари қурилиб, фойдаланишга топширилади. «Гулчилар», «Жинговуз», «Байналмилалчи», «Олма боғ» маҳаллаларида бу ишлар тадбиркор ва ишбилармонлар ҳомийлигида олиб борилмоқда.

Вилоят марказидаги «Мустақиллик» маҳалласида қурилаётган гузар яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

УЧРАШУВ

## Юксак эътирофга муносиб қизлар

***Бундан бир неча аср муқаддам Заҳириддин Муҳаммад Бобур машҳур ғазалини «Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна» мисраси билан бошлаган эди. Бу ўтли изҳор ҳанузгача қалбларга илҳом бағишлайди.***

■ **Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**



Биргина қора сочлар таърифининг ўзиёқ, ғазалхонга бетакрор гўзаллик соҳибаси ҳақида теран тасаввурлар бериб, аёл жозибасини яққол ифода этади. Шоҳ Бобурнинг бу мумтоз таърифидан хийла олдин, ҳатто ундан кейин битилган, аёл шаъни, ҳусну латофатини мадҳ этувчи соҳир сатрлар адабиётимизда ниҳоятда бисёр. Аммо барибир унинг тавсифи шоирлар учун илҳом манбаи бўлиб қолаверади. Зотан, бу нозик хилқат табиатан шундай нафис яралган. Вафо, садоқат ва меҳр кўрсатишда унга ўхшашини топиш ғоятда мушкул.

8 март байрами арафасида Президентимиз Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини йўллаб, юртимиз аёлларига ўзларининг чуқур эҳтиромини билдириб, шундай дедилар: «...менга буюрса, ҳам давлат хизматини, ҳам жамоат ишини, ҳам оила ва рўзғор юмушларини, ҳам фарзанд тарбиясини қойил қилиб бажариб келаётган барча-барча аёлларни қаҳрамон деб айтган бўлардим».

Юртбошимизнинг бундай юксак эътибори ҳар бир аёлга ғурур ва ифтихор бағишлабгина қолмай, балки унинг ижодига, меҳнатига, турмушига янги куч ва шижоат беради, албатта. Чунки бугун бирор-бир аёл йўқки, тақдирини шу юрт тақдири билан боғламаган бўлса. Шу Ватаннинг қувончу ташвишларини ўзиники деб билган, кечаю кундуз тинимсиз чекилган заҳматлар ортидан қозонилган муваффақиятларни кўз қорачиғидек асрашга интилган аёллар ҳар доим эъзозу ардоқда.

> [4]

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

## «Олға чеварлар» изланишда

***Самарқанд вилояти Нуробод тумани марказидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида «Олға чеварлар» тикувчилик корхонаси фаолият кўрсата бошлади.***

■ **Абдурасул САТТОРОВ**
**«Mahalla»**

— Тадбиркор Шаҳри Хушвақтова банк кредити ва ўз маблағлари ҳисобидан 12 та тикув машинаси сотиб олиб, иш бошлади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмад Ёрқулов. — Дастлаб ташкил этилган 5 та иш ўрнига коллеж битирувчилари жалб қилинди.

Корхона фаолияти тезда кўзга ташланди. Буюртмачиларнинг кўпайиши натижасида маҳсулот турлари ҳам оша бошлади. Айни пайтда бу ерда чеварлар томонидан тайёрланаётган ўқувчилар учун махсус кийимлар, кўрпа ва кўрпачалар, ёстиқ жилдлари, чойшаблар харидорларга манзур бўляпти.

Тадбиркор Шаҳри Хушвақтова эса корхонани янада кенгайтириш, иш ўринлари сонини кўпайтириш йўлида изланмоқда.

ФОНД КЎМАГИДА

## Олис, яқин ҳудудда ҳам шинам ва намунали

***Маҳалла ва қишлоқларнинг қиёфаси тобора кўркамлашиб бораётгани давлатимиз томонидан фуқаролар йиғинларининг мавқеини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасидир.***

■ **Узоқбой РИСҚУЛОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари.**

Ҳудудларда қад ростлаётган янги иншоотлар қаторида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди кўмагида қурилган, реконструкция қилиниб, таъмирланган йиғин идоралари, гузарлар, хизмат кўрсатиш, спорт мажмуалари, болалар майдончалари талайгина.

Яқинда Жиззах туманидаги «Учтепа» маҳалла фуқаролар йиғини замонавий лойиҳа асосида барпо этилган янги бинога кўчиб ўтди. Йиғин идораси аҳоли мурожаатлари учун қулай тарзда қурилган.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва ҳомийлар кўмагида барпо этилган бино мебель жиҳозлари ва компьютер жамланмалари билан таъминланди. Унда фуқаролар йиғини раиси, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори учун алоҳида хоналардан ташқари, профилактика инспектори учун ҳам хоналар ажратилган. Бундан ташқари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, минибанк, автобекат, болалар майдончаси ёнма-ён тарзда жойлашган.

Айни пайтда вилоятнинг олис тоғли Бахмал туманидаги «Қатортол», «Новқа» маҳаллалари ҳам шинам биноларда фаолият юритмоқда. Ҳашар йўли билан қад ростлаган биноларда фуқароларни қабул қилиш, йиғин қошидаги комиссияларнинг ишини намунали ташкил этиш учун барча шароитлар муҳайё.

Шу пайтгача 33 та фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси, 90 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. Бу борада олис ҳудудлардаги маҳаллалар ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Жумладан, компьютерларнинг 18 таси, мебелларнинг 37 таси қишлоқ ҳудудларидаги йиғинларга берилди.

Айни пайтда вилоятдаги мавжуд 306 та фуқаролар йиғинидан 123 таси ўзининг балансидаги бинога, 212 таси компьютер жамланмаларига ва 185 таси мебель жиҳозларига эга. Фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлашда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлинмалари бирдек иштирок этиб келаётир.

«Намунали маҳалла» дастури доирасида жорий йилда ҳар бир туманда биттадан, жами 13 та фуқаролар йиғинини намунавий ҳолатга келтириш бўйича тизимли ишлар бошлаб юборилган.



УЧРАШУВ

## Юксак эътирофга муносиб қизлар

< [1]

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ёш истеъдод ва иқтидор соҳибаларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда муҳим омил бўлибгина қолмай, аёлга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ифодаси ҳамдир.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган республика тадбирида 16 нафар қизга ушбу мукофот тантанали равишда топширилди. Адабиёт, маданият, таълим, спорт ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришган, ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга бу қизлар билан таълим ва маданият муассасаларида учрашувлар ўтказилмоқда.

Анъанага мувофиқ, пойтахтимизда совриндорлар тақдимотлар намойиш этилди. Юртимизда ёшлар ва болалар спортига катта эътибор қаратилаётгани ҳамда мукофот йўналишлари орасига спорт соҳасининг ҳам киритилиши таҳсинга сазовор. Бу йилги 16 нафар қизнинг 10 нафари айнан шу йўналишда катта ютуқларга эришган. Бу эса қизларимизнинг ҳар соҳада фаоллиги билан бир қаторда, юқори марраларни забт этаётганидан ҳам далолат. Тадбир давомида иштирокчилар мукофот соҳибаларининг ижод намуналаридан баҳраманд бўлдилар.

Учрашув ниҳоясида совриндорларга ҳамкор ташкилотларнинг совғалари топширилди.

— Ушбу мукофотни қўлга киритганим ҳаётимда унутилмас воқеа бўлди, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Лутфия Баратова. — Муҳтарам Президентимиз томонидан кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик биз ёшлар учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очмоқда. Бундай юксак ишонч ва эътиборга муносиб бўлиш бизнинг чин фарзандлик бурчимиздир. Айни пайтда Сурхондарё вилоятининг Термиз саноат касб-ҳунар коллежининг биринчи босқичида таҳсил оляпман. Келгусида таълим соҳасининг биология йўналишида ўқишни давом эттириб, янгиликлар яратиш, изланишлар олиб боришни мақсад қилганман.



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Зулфияхоним ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Обод юртнинг бахтли фарзанди, буюк аждодлар издошчиси, деган юксак эътирофга сазовор бўлганидан қалбларида фахр-ифтихор жўш урган қизлар «Ёшлар ижод саройи»га йўл олишди.

Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбарлари иштирокидаги мазкур учрашувда Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан тайёрланган «Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳақида» ҳамда 2014 йилги мукофот соҳибаларининг ютуқлари ва фаолиятига доир

Куннинг иккинчи ярмида Турин политехника университети талабалари билан ҳам учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

## Янгиланиш ва эзгулик тимсоли



*Айни кунларда юртимиз узра баҳор шукуҳи кезиб юрибди. Шаҳару қишлоқларимиз, маҳаллаларимизда гўзаллик ва янгиланиш айёми — Наврўз тантаналарини кенг нишонлашга пухта ҳозирлик кўрилаётир.*

■ **Дилором ЗОҲИРОВА,
Қибрай туманидаги Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.**

Халқимиз азалдан шодиёналар арафасида маҳалла, кўча-кўй ва гузарлар, аҳоли тураржойлари, қабристон ва муқаддас қадамжоларни ободонлаштирган. Бундай хайрли ишлар Наврўз олдидан янада кенг тус олади.

Наврўз аждодларимизнинг яратувчанлик, янгиланиш билан боғлиқ ҳаётбахш ғояларини ўзида мужассам этган бетакрор қадриятимиздан биридир. Бу фусункор шодиёна ҳамиша эзгуликни улуғлаб, халқимиз дилига бунёдкорлик, меҳр-мурувват, тинчлик, ватанпарварлик, мўл ҳосил ва қут-барака тилаш ғоясини жо этиб келмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудидаги қоятош суратларида акс эттирилган аждодларимизнинг деҳқончилик маданияти анъаналарига оид лавҳалар, «Авесто»да ўз ифодасини топган мифологик тасаввурлар, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Рабғузий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби улуғ мутафаккирларимизнинг асарларидаги маълумотлар юртимизда Наврўз бундан 4-4,5 минг йил муқаддам вужудга келганини англатади.

Абу Райҳон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қуёш йили ҳисобида йилнинг биринчи ойи, деб юритилган «Фарвардин» тўғрисида сўзлаб: «Бу ойнинг биринчи куни Наврўздир» дейди. Қадимдан Наврўз холис ниятли кишиларнинг севимли айёми бўлиб келган. Шу муносабат билан ҳатто уруш-жанжаллар тўхтатилиб, гина-кудурат, аразлар унутилган.

Ўрта асрларда юртимизнинг турли ҳудудларида Наврўз ўзига хос маҳаллий урф-одатлар асосида уюштирилган. У 3 кундан то 15 кунгача нишонланган. Масалан, Хоразмда Наврўздан олдин жойларда махсус йиғин бўлиб, унда байрам раиси тайинланган, тантаналар, томошаю сайилларни тартибли ўтказиш ҳақида сўз борган.

Наврўзнинг ўзига хос тарбиявий жиҳати шундаки, унда ёшлар катталардан мардлик, жасорат, шижоат ва қатъиятни ўрганишган. Одамийлик, инсонпарварлик, умумбашарий сифатлар ҳам ушбу айём орқали навқирон авлод вакиллари онгига сингдирилган.

Бу байрамда аҳолининг хурсандчилик, кулги, хушчақчақлик шодиёнаси бўлиши билан бирга, бободеҳқонларнинг ерни шудгорлаш, чигит қадашида ҳам кенгашиб олишлари учун қулай фурсат ҳисобланган.

Айём муносабати билан дўлма, ялпиз, кўк пиёз, кўк сомса ва бошқа таомлар тайёрланган. Улар орасида сумалак алоҳида ўрин тутган. Чунки сумалакни тайёрлашнинг ўзи махсус маросим сифатида шаклланиб, байрамнинг муҳим қисмларидан бирига айланиб кетган.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк» асарида сумалакка шундай изоҳ берилади: «Сумма» — «ивитилган буғдой». Шунингдек, шарбат учун ундирилган арпа ҳам шундай номланади. Демак, «сумалак» ивитилган буғдой ёки арпа маъносини англатувчи қадимги туркий калом «сума»дан келиб чиққан.

Истиқлол йилларида халқимизнинг Наврўз билан боғлиқ барча қадимий қадриятлари нафақат асл қиёфасига қайтди, балки уларнинг мазмун-моҳияти янада бойитилди. Жумладан, кўпкари, кураш каби миллий ўйинларимиз, арғимчоқ учиш, варрак учириш, қўчқор уриштириш анъаналари, фольклор-этнографик жамоаларнинг чиқишлари, лапар, ўлан, алла оҳанглари, қўлигул ҳунармандлар ясаган ранг-баранг амалий санъат намуналари, дорбоз, аскиячи ва қизиқчиларнинг томошалари, маҳалла-кўй ободлиги, оилалар фаровонлиги, муҳтож кишиларга хайр-саховат кўрсатиш билан боғлиқ удумларнинг янгича талқинлари бу байрамга янада ўзгача файз бағишламоқда.

Айни пайтда таълим даргоҳимизда ҳам байрам муносабати билан «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида турли спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар, кечалар ва учрашувлар уюштириш режалаштирилган.

Ушбу шодиёнанинг яна бир эътиборли томони шундаки, бу эзгу қадрият баҳорнинг илк кунларида ўтказиладиган ҳашарларда яққол намоён бўлади. Унда ҳар бир юртдошимиз фаол иштирок этиб, мамлакатимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшишга интилади. Маҳалла ва турайжойлар, муқаддас зиёратгоҳ ва табаррук қадамжолар тартибга келтирилади, кўча ва хиёбонларга мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари, турфа гуллар экилади. Миллати, тили ва эътиқодидан қатъи назар, диёримиздаги барча юртдошларимиз ҳамжиҳатликда ўтказадиган бундай эзгу ишлар жамиятимиздаги ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЭЪТИРОФ

## Ҳавас ва ҳайратга арзийди

*Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити нафақат маҳаллий тадбиркорлар, балки хорижлик сармоядорларни ҳам ўзига ром этмоқда.*

■ Расул КАМОЛ
«Mahalla»



Буни сўнгги йилларда юртимизда фаолият бошлаган кўплаб қўшма корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар шаҳару қишлоқларимиз, ишлаб чиқариш корхоналарида юз бераётган оламшумул ўзгаришларни эътироф этишмоқда.

**Рудди МАТТОН (АҚШ):**

— Юртингизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, бу ерда ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркор ва ишбилармонларга яратиб берилган қулай шарт-шароит эмин-эркин фаолият юритишимизда қўл келмоқда.

Ўзбекистонга келгач, халқингизнинг урф-одатлари, анъаналари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Тўй ва байрам кечалари, азалий удумлар ниҳоятда чиройли ўтади. Сержило миллий либосларингиз кўзни қамаштиради. Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш, ободонлаштириш ишлари ҳайратимни оширмоқда. Маҳаллаларда ўтказилаётган ҳашарларни кўриб, ҳавасим ортди.

**Доуч ЛАС КИМ (Жанубий Корея):**

— Ўзбекистон, унинг гавҳари бўлмиш Фарғона ҳақида жуда кўплаб маълумотлар ўқиганман. Бу ерда қадимдан миллий ҳунармандчиликнинг ўзига хос мактаблари тараққий этган. Мен бу ерга келиб, марғилонлик тадбиркорлар ишлаб чиқараётган ипак матолар, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа ҳунармандчилик турлари билан танишдим.

Миллий матолардан тайёрланган либослар кўргазмаси ҳайратимга ҳайрат қўшди. Ўзбек маҳаллаларида бўлиб, одамлар турмуш тарзининг гувоҳи бўлдим. Уларнинг бахтиёрликлари мени ғоят қувонтирди.

**Пётр СОБОЛЕЧКИ, (Германия):**

— Фарғона замини табиий хомашёларга бой маскан экан. Бир йил аввал бу ерда юқори сифатли цемент маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона очдик.

Ўтган вақт мобайнида водийнинг кўплаб шаҳарларини сайр қилдим. Айниқса, Қўқон, Марғилон, Андижон, Асакада улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлдим. Зеро, тинчлик, хотиржамлик, ҳамжиҳатлик бор жойда ривожланиш ва тараққиёт бўлади.

Қолаверса, бундай ўзгаришлар фақат йирик шаҳарларда эмас, балки чекка ҳудудларда ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси юртингиз истиқболи, халқингиз фаровонлиги учун хизмат қилиши шубҳасиз.

ҚУЛАЙЛИК

## «Чўлқувар»да янги кинотеатр

***Қарши шаҳридаги «Чўлқувар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Karshi Film Project» масъулияти чекланган жамияти томонидан банк кредити эвазига 60 ўринга мўлжалланган замонавий кинотеатр фойдаланишга топширилди.***

■ С.БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

Юмшоқ ўриндиқлар билан жиҳозланган ушбу кинотеатрда айни пайтда миллий сериаллар билан бирга, турли маънавий-маърифий мазмундаги ҳужжатли кинофильмлар ҳам намойиш этилмоқда.

— Кинотеатрнинг фойдаланишга топширилиши фуқаролар йиғини учун ҳам айни муддао бўлди, — дейди йиғин раиси Холмамат Аннаев. — Яқинда ушбу мажмуада намойиш этилган «Виждон» бадиий фильми аҳолининг маҳаллага бўлган ишончини янада оширди.

Кинотеатр маъмурияти билан биргаликда кинофильмлар намойишидан олдин турли тадбирлар ташкил қилиниб, ёшлар билан суҳбатлар уюштириляпти. Бу, албатта, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент вилояти Зангиота тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан 2014 йил 28 февралда Қараева Замира Шарифовна номига берилган №810-сонли маълумотнома (18-форма) йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:

«БАҲОР — 2014»

Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ФАЙЗЛИ — 2014»

Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг АҚШ долларида берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) миллий валютада 62 ҳамда хорижий валютада 30 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар номи | Телефон рақамлари | Филиаллар номи | Телефон рақамлари | Филиаллар номи | Телефон рақамлари |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 120-83-13 | Фарғона вилоят филиали | 373 224-70-83 | Бухоро шаҳар филиали | 365 770-11-27 |
| Автотранспорт филиали | 371 120-39-95 | Марғилон филиали | 373 237-12-37 | Самарқанд вилоят филиали | 366 231-08-86 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 140-39-36 | Олтиариқ филиали | 373 432-10-11 | Афросиёб филиали | 366 221-77-56 |
| Юнусобод филиали | 371 221-80-67 | Қўқон филиали | 373 552-61-04 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 221-12-93 |
| Сирғали филиали | 371 258-67-49 | Наманган вилоят филиали | 369 226-94-75 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 770-82-12 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 120-84-13 | Навоий вилоят филиали | 436 223-54-32 | Қорақалпоғистон филиали | 361 770-60-59 |
| Андижон вилоят филиали | 374 224-40-96 | Зарафшон филиали | 436 573-18-78 | Хоразм вилоят филиали | 362 226-97-78 |
| Асака филиали | 374 233-13-69 | Бухоро вилоят филиали | 365 223-71-94 | Сирдарё вилоят филиали | 367 225-44-03 |
| Фарҳод филиали | 374 226-97-53 | | | Жиззах вилоят филиали | 372 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

Сизнинг омонатларингиз:
— *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
— *маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
— *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
— *миқдори чекланмаган!*

«Асака» банк — сармоянгиз сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашр кўрсаткичи: 148 25680 нусхада чоп этилди. Буюртма J-9384 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

# Қадрият ва орзуларга уйғун фазилат

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 мартдаги фармойишига биноан жорий йилнинг март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 15 март – умумхалқ хайрия ҳашари куни, деб эълон қилинди**



■ ЎзА сурати.

< [1]

Биринчи навбатда, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда бажариладиган иш ҳажми режалаштириб олинди. Ушбу жараёнларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар жалб этилади.

Ҳашарда ёшлар ҳам фаол қатнашади. Чунки навқирон авлод қалбида она-табиатга меҳр, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ҳамжиҳатлик, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда ҳашарлар муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, нуронийларнинг бой тажрибаларини ёшларга ўргатиш, мардлик, жасорат ва матонат каби фазилатларни қарор топтиришда ҳам ушбу тадбирнинг ўрни беқиёс.

Шу куни жойларда нафақат ободонлаштириш ишлари амалга оширилади, балки ҳашар муносабати билан турли мутасадди ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағлар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмаларининг ҳисоб-рақамларига ўтказилади. Бу маблағлар эса аҳолининг эҳтиёжманд қатламига, ёлғиз қариялар, ногирон ва муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак бериш, ижтимоий ёрдам кўрсатишдек хайрли амалларга сарфланади.

Умумхалқ тадбирида муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, қабристонларни тартибга келтириш, тозалаш баробарида аҳоли турар жойлари, мавзелар ва маҳаллаларда дарахтларга шакл бериш, оқлаш, кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, ариқ ва лотокларни тозалаш каби ишлар ҳам амалга оширилади.

Ҳа, ўлкамизга ўзининг гўзаллигини намоён этиб, баҳор келди. Соғиниб кутилган ушбу фаслда бутун борлиқ уйғониб, одамлар кўнглида яшашга, яшариш ва яшнатишга бўлган иштиёқ янада жўш уради.

Айни шу хислат тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлган юртда ўзгача касб этиши аниқ. Бу ҳар баҳорда бўлгани каби ўлканинг ёшу қарисини ҳашарни уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик билан ўтказишга чорлайверади.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Масъулият огоҳлик ва ҳушёрликка ундайди

< [1]

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Азамат Зоҳидов билан суҳбатимиз мазкур қарор ҳамда Низомнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида бўлди.

**— Янги Низом ва унинг олдинги меъёрий ҳужжатдан фарқли жиҳатлари нималардан иборат?**

— Ушбу қарор асосида тасдиқланган Низом янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқилган. Олдинги низом VII боб ва 35 бандни ўз ичига олган бўлса, мазкур Низом IX боб ҳамда 40 та банддан иборат. Шунинг ўзиёқ, янги меъёрий ҳужжатнинг ҳажман ҳам салмоқли экани, ўз навбатида, муайян қоидалар ва янгиликлар билан бойиганини кўрсатади. Жумладан, янги меъёрий ҳужжатдан Жамоатчилик тузилмасини ташкил этиш, аъзолигига қабул қилиш, унинг раҳбарини тайинлаш тартиби, раҳбари ва аъзоларининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Жамоатчилик тузилмаси билан ишлаш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштириш боблари ўрин олган. Вазифалар, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг аниқ кўрсатиб берилгани тузилма фаолиятини тўлақонли юритилишини таъминлайди. Аҳамиятли томони, ҳужжатнинг VII боби Жамоатчилик тузилмаси раҳбарини ва аъзоларини рағбатлантириш, деб номлангани соҳага алоҳида ишонч ва эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Илгари амалдаги қонунлар асосида иш олиб борган, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва ушбу маъмурий ҳудудга бириктирилган ҳудудий профилактика инспектори раҳбарлик қилган посбонларнинг фаолияти бугун ихтиёрийлик, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, қонунийлик, жамоатчилик йўли билан ўзаро ёрдам кўрсатиш каби аниқ тамойилларга асосланган. Тузилма фаолиятига фуқаролар йиғини раиси ва ички ишлар идораларининг ҳудудий профилактика инспектори умумий раҳбарликни ўзаро ҳамкорликда амалга ошириши ҳам мазкур Низомда қатъий мустаҳкамланган.

Бундай ўзгаришлар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, огоҳлик ва фаолликни оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни тизимли йўлга қўйишга хизмат қилади.

**— Айтинг-чи, Низомда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолигига қабул қилишда қандай тартиблар белгиланган?**



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

— Низомнинг «Жамоатчилик тузилмалари аъзолигига қабул қилиш» деб номланган IV бобида акс этган қоидаларга биноан Жамоатчилик тузилмаси аъзолигига жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир профилактика тадбирларида ихтиёрий равишда иштирок этиш истагини билдирган, жисмоний ва маънавий соғлом, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қиладиган, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга фуқаролар қабул қилинадилар. Қолаверса, аъзоликка номзодлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган, 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлишлари шарт. Демак, эндиликда мазкур тузилма сафига қабул қилинувчиларнинг ҳарбий хизматни ўтагани ҳам инобатга олинади.

**— «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари қандай имтиёз ва ҳуқуқларга эга?**

— Жамоатчилик тузилмаси раҳбари лавозимига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли, тайинлангунига қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши керак. Ушбу лавозимга фуқаролар йиғини раиси ва ҳудудий ички ишлар идораларининг профилактика инспектори тавсияномаси асосида 3 нафардан кам бўлмаган номзод тегишли ҳудуддаги ички ишлар идораси раҳбари билан келишилган ҳолда тақдим этиши ҳақидаги талабнинг киритилиши мазкур вазифага муносиб номзод тайинланишини кафолатлайди.

Тузилма раҳбари аъзолардан ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришни талаб қилиш, вазифаларини бажармаётганларни тузилма аъзолигидан чиқариш юзасидан фуқаролар йиғини раисига таклиф киритиш, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан ҳамда фуқаролар йиғини раисидан Жамоатчилик тузилмаси аъзоларини ушбу Низомда кўрсатилмаган вазифалар ва топшириқларни бажаришга жалб этмасликни талаб қилишга тўла ҳақли.

**— Низомда хизмат қилиш жараёнида ижобий тавсияномага эга бўлган посбонларга ҳам имтиёзлар белгиланганми?**

— «Жамоатчилик раҳбарини ва аъзоларини рағбатлантириш»га оид бобда мустаҳкамланган меъёрларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси ўз тизимидаги органларда хизмат қилишга номзодларни Жамоатчилик тузилмаси аъзолари ҳамда раҳбарлари орасидан танлашга ва қабул қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Кўриниб турибдики, мазкур тузилма фаолиятига ҳукуматимиз томонидан катта ишонч билдирилмоқда. Меъёрий ҳужжатда мустаҳкамланган талаблар эса жамоатчилик тузилмасининг тўлақонли иш юритиши, юклатилган долзарб вазифаларни муваффақиятли адо этишида муҳим дастуриламал ҳамда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

■ Суҳбатдош
**Ю.ҲОЖИЕВА**

*(«Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисида»ги Низом билан 3-саҳифада танишасиз.)*

ЎҚУВ-СЕМИНАР

# Тезкор, қулай ва ишончли хизмат

***Мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш, солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботларни телекоммуникация алоқа воситалари орқали тақдим этиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш борасида изчил ишлар йўлга қўйилган.***



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат

■ **Сарафроз Илҳомжон қизи**

Хусусан, Юртбошимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида давлат идоралари ҳисоботларини электрон шаклда топширишнинг мавжуд тизимига баҳо берилиб, замонавий коммуникация технологияларининг миллий дастурий маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда давлат статистика, солиқ ва божхона хизматларига юридик шахслар томонидан топшириладиган ҳисоботларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Улар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда «Солиқ инфо» газетаси таҳририяти ҳамкорлигида қатор ташкилот раҳбарлари ва бухгалтерлари иштирокида ўқув-семинари ташкил этилди.

Тадбирда ахборот-технологиялари тармоғида фаолият юритиб келаётган миллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи гуруҳ томонидан тузилган ўзига хос янги «EREPORT» инновацион дастурий маҳсулотининг тақдимоти ўтказилиб, унинг бир қатор афзалликлари ҳақида маълумотлар берилди.

Ушбу дастурда солиқ, молиявий ва статистика ҳисоботларини топшириш бирлаштирилган. Бухгалтер қаерда бўлишидан қатъи назар, дастур орқали электрон ҳисоботларни тегишли давлат солиқ инспекциясига юбориши, унинг қабул қилинган ёки қилинмаганлиги ҳақида хабарнома олиши мумкин. Маълумотлар махфийлиги кафолатланади.

Дастурнинг «Норматив-ҳуқуқий база» деб номланган бўлимида 23000 дан зиёд қонунчилик ҳужжатлари жойлаштирилган. Унинг «Шарҳлар ва мутахассисларнинг тушунтиришлари» хизмати орқали тадбиркорлик фаолиятининг турли соҳаларига тааллуқли энг долзарб ахборотларни, «Интерактив маслаҳатлар»да эса тадбиркорлик субъектлари фаолиятида учрайдиган кенг кўламдаги масалалар ва саволлар юзасидан малакали экспертларнинг тезкор маслаҳатларини олиш имконияти мавжуд.

Семинар давомида мутахассислар бухгалтерларга дастурдан фойдаланиш тартиби ва жараёнини монитор орқали кўрсатиб боришди. Таъкидланишича, «EREPORT» дастури Тошкент шаҳрида муваффақиятли синовдан ўтди. Бир неча ой ичида у орқали 1200 дан зиёд ташкилот солиқ хизмати ва Халқ банкига 11000 дан ортиқ ҳисоботларни тақдим этди. Қолаверса, уч мингга яқин тушунтиришлар берилди.

Семинарда Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-тамойилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, 2014 йилнинг охирига қадар тадбиркорлик субъектлари барча турдаги ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўлиқ ўтказилиши кўзда тутилаётгани таъкидланди.

Семинар ниҳоясида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Кенг имконият — муваффақият омили

***Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги «Афғон» маҳалла фуқаролар йиғини уста-ҳунармандлари билан ном қозонган. Чунки бу ерда тадбиркорликнинг турли йўналишларида фаолият юритаётган, нафақат оила аъзолари, балки маҳалладошлари бандлигини таъминлаб, ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши ва аҳолининг турмуш тарзини янада оширишга ўз ҳиссасини қўшаётган ишбилармонлар кўпчиликни ташкил этади.***

■ **Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**

Йиғинда оилавий бизнесни йўлга қўйиш, ёшларни иш билан таъминлаш, касаначилик асосида уй меҳнатини ташкил этиб, хотин-қизлар бандлигига кўмаклашиш борасида йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси салмоқли ишларни амалга ошириб келаётир. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида ҳудудда йигирмадан зиёд фуқаро тадбиркорга айланди.

Баҳодир Акромов қўлигул уста-ҳунармандлардан. У ясаган темир панжара ва дарвозалар бежирим, пишиқлиги билан харидорлар эътиборини қозонган. Уста мамлакатимизда оилавий тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, йиғин кўмаги ва банкнинг имтиёзли кредити ҳисобига енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонани ишга туширди. Бу ерда маҳалланинг 20 нафар хотин-қизи аёллар ва болалар либосларини тикиб, буюртмачиларга тақдим этмоқда.

Ҳудудда касаначиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Феруза Набиева уй меҳнати асосида либослар, кўрпа-ёстиқ тайёрлаш баробарида, ўн нафардан зиёд аёлни уй юмушлари, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда иш билан банд этди.

— Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун йиғинлар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш, ваколат ва вазифаларини кенгайтириш имконини берди, — дейди йиғин раиси Хайрулла Жуманиёзов. — Айниқса, ҳудудда фуқароларни тадбиркорликка йўналтириш, уларга амалий кўмак бериш ва қўллаб-қувватлаш баробарида аҳоли бандлик даражасининг юксалишида юқори натижаларга эришиш имконияти кенгайди. Бунда, албатта, йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси муҳим ўрин тутади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги фуқароларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-тамойиллар, имтиёзлар, давлат рўйхатидан ўтказиш, меҳнат муносабатларига киришиш ва бошқа масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тарғибот ишлари изчил олиб борилаётир. Шунингдек, меҳнатга лаёқатли фуқароларни касби, малакаси, билими ва кўникмаси, қизиқишига қараб, иш ўринлари билан таъминлашга кўмаклашмоқда.

Комиссия раиси Файзулла Абдуллаев тадбиркорликда катта тажриба тўплаган. У бир неча йиллардан буён оила аъзолари билан турли хилдаги ёғоч эшик-ромлар ясаш баробарида, ёшларга ҳунар ўргатиб келади.

Бундан ташқари, Ф.Абдуллаев тумандаги ҳунармандлар уюшмаси раиси сифатида бошланғич тадбиркорларга керакли маслаҳат ва кўникмалар бериб келаётир. Шу боис нафақат «Афғон» маҳалла фуқаролар йиғинида, балки туманнинг барча ҳудудларида ишбилармонлар сафи кун сайин кенгаймоқда.

ДАСТУР ИЖРОСИ

# Эзгу мақсадларга мустаҳкам замин

< [1]

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда Миришкор тумани бўлинмаси томонидан маҳаллалар кесимида дастур доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ҳудудларни ободонлаштириш, оилалар даромадларини ошириш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш сингари вазифаларни бажаришда фуқаролар йиғинларининг етарли шарт-шароит ҳамда моддий-техник базага эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Дастурда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 9 та маҳалла фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси, 18 та қишлоқ фуқаролар йиғинига мебель жиҳозлари олиб бериш, Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини биносини капитал таъмирлаш режалаштирилган. Обод, Навбаҳор, Вори, Миришкор қишлоқ фуқаролар йиғинлари биноларини капитал таъмирлаш ишлари эса 2015 йилда амалга оширилади. 2016 йилда яна 5 та фуқаролар йиғини биносини таъмирдан чиқариш ҳамда қишлоқ кўчаларини асфальтлаш, янги йўллар барпо этиш, ичимлик суви, табиий газ таъминоти бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, Авазчўл, Вори, Миришкор, Чандир, Обод қишлоқларидаги ичимлик суви тармоғини қайта тортиш мўлжалланган.

— Ҳукуматимиз ғамхўрлиги, узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсати туфайли чекка ҳудудга янгича ҳаёт кириб келмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Азамат Ғаниев. — Ҳар соҳада жадал суръатларда давом этаётган улкан бунёдкорлик ишлари, қанча-қанча саноат корхоналарининг қурилиши, хизмат кўрсатиш объектларининг ишга тушиши, йўллар, кўприкларнинг барпо қилиниши аҳоли фаровонлиги ва турмушини янада яхшилашга хизмат қилади.

Дастурда аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Шу боис Фонд бўлинмаси, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда хонадонлар кесимида экин майдонлари ўрганиб чиқилди. Шу асосда уруғ ҳамда сабзавот кўчатларини тайёрлаш, аҳоли томорқаларида экиш ишларини ташкил этиш бўйича гуруҳлар тузилди. Бу борада қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ҳисоб-китоб юритиш дафтарлари тутилиб, ҳар бир хонадон учун томорқа паспорти жорий этилди.

Дастурга кўра, туманда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 32 та лойиҳа, паррандачилик йўналишида 15 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 100 дан ошиқ янги иш ўрни яратилади. Ушбу лойиҳаларнинг аксарияти тадбиркорлар томонидан ҳаётга татбиқ этилади. Оилавий бизнесни билан шуғулланувчи оилалар рўйхатга олиниб, уларга банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш белгиланди. Айни пайтгача 5 та оилага асаларичиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди.

Бундан ташқари, қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорлар томонидан сервис хизматини йўлга қўйиш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида лойиҳалар ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, ҳар бир фуқаролар йиғинида 4-5 тадан хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилади. Янги Жейнов шаҳарчасида ўқув ва иш қуроллари ишлаб чиқарадиган корхона фаолият бошлайди. Қиймати 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги ускуналар ўрнатилган мазкур корхонада 10 нафар киши доимий иш билан банд бўлади.

Помуқ қишлоқ фуқаролар йиғинида «Санам» фабрикасининг эски биноси «Помуқ текстиль» масъулияти чекланган жамияти томонидан банкнинг 600 миллион сўмлик кредити эвазига қайта таъмирланди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун хориждан замонавий ускуналар олиб келинди. Йилига 2 минг тонна тола қайта ишланадиган, ип, калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада 60 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

Мақсадлар эзгу. Шундай бўлгач, янги имконият ва эътибордан миришкорликларнинг қувончи чексиз.

Mahalla

ЧОРШАНБА
2014 йил 12 март,
№22 (989)

3

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил «4» мартдаги 47-сон қарорига
илова

# Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисида Низом

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг (кейинги ўринларда Жамоатчилик тузилмаси деб аталади) асосий вазифаларини, унинг фаолиятини ташкил этиш, Жамоатчилик тузилмаси раҳбари ва аъзоларининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Жамоатчилик тузилмаси мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларда огоҳлик ва фаолликни ошириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликдаги ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида ташкил этилади.

3. Жамоатчилик тузилмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Фуқаролар йиғини тўғрисидаги Низомга, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларига ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

4. Жамоатчилик тузилмаси фаолияти ихтиёрийлик, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, қонунийлик, жамоатчилик йўли билан ўзаро ёрдам кўрсатиш тамойиллари асосида ташкил этилади.

5. Жамоатчилик тузилмаси раҳбарига тегишли фуқаролар йиғини раисининг лавозим маошига тенг миқдорда маош белгиланади ҳамда уларнинг таъминоти учун зарур бўлган маблағлар маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилади.

Жамоатчилик тузилмаси аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

6. Фуқаролар йиғини раиси ва ички ишлар органларининг ҳудудий профилактика инспектори Жамоатчилик тузилмаси фаолиятига умумий раҳбарликни ўзаро ҳамкорликда амалга оширадилар.

## II. Жамоатчилик тузилмасининг асосий вазифалари

7. Қуйидагилар Жамоатчилик тузилмасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

тегишли ҳудудда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар огоҳлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қуйи тизимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга кўмаклашиш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар фаоллигини ошириш ишларида қатнашиш;

аҳолида, биринчи навбатда, ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролар йиғинларида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот ишларини тизимли амалга оширишда иштирок этиш;

халқимиз маънавиятига зид бўлган турли салбий таъсирларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишларини самарали ташкил этиш ва ўтказишда қатнашиш;

мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва барқарорлик натижасида аҳоли фаровонлиги таъминланаётганлиги, бу борада ўзининг фаол иштироки билан муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик ва фуқаролик бурчи эканлигини тушунтиришда қатнашиш;

фуқаролар йиғини ҳудудидаги экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари талаблари, умумдавлат ҳамда ҳудудий дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш ва ушбу жараёнда кенг жамоатчилик кўмагини шакллантириш ишларини ташкил этиш ва амалга оширишда иштирок этиш.

8. Жамоатчилик тузилмаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қуйидаги йўналишлардаги фаолиятида бевосита иштирок этади ва ёрдам кўрсатади:

фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш;

ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада аҳоли билан турли профилактика тадбирлари ўтказиш;

фуқаролар томонидан паспорт тизими, санитария, экология, ёнғин ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши юзасидан тегишли ҳудудда тушунтириш ишларини ташкил қилиш;

ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйганларни, оила-турмуш доирасида мунтазам ҳуқуқбузарликлар содир этувчиларни, ўзларининг жамиятга зид хатти-ҳаракатлари билан фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ёки улар тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарни, нотинч оилаларни, вояга етмаганларни турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундовчи шахсларни, ёшлар онгини заҳарлаб, уларни турли диний экстремистик ғоялар таъсирига олиш мақсадида бундай ташкилотларга аъзо бўлишга даъват этувчи, турли ноқонуний тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борувчи шахсларни, ўсмирларга қонунга хилоф равишда диний таълим берувчиларни, конституциявий тизимга қарши турли ахборотларни тарқатувчи шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактик-тарбиявий ишлар олиб бориш.

9. Жамоатчилик тузилмаси ўз вазифаларини амалга оширишда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ходимлари билан яқиндан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

10. Жамоатчилик тузилмаси табиий офатлар, оммавий тартиббузарликлар ва бошқа фавқулодда вазиятларда жамоат тартибини сақлашда, фавқулодда вазият хавфи туғилганда аҳолини ўз вақтида хабардор этишда, аҳоли ўртасида бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилишни тарғиб қилишда ва ушбу ҳолатларни бартараф этишда тегишли давлат органларига яқиндан ёрдам беради.

## III. Жамоатчилик тузилмасини ташкил этиш

11. Жамоатчилик тузилмаси фуқаролар йиғини кенгаши томонидан фуқаролар йиғини раисининг тақдимномасига асосан ҳудудий ички ишлар органларининг профилактика инспектори билан келишган ҳолда ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик ҳолатларининг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ихтиёрий равишда ёрдам бериш истагини билдирган фуқаролардан иборат таркибда шакллантирилади.

12. Жамоатчилик тузилмаси аъзолари сони тегишли ҳудуднинг табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий, демографик, криминоген хусусиятларидан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг профилактика инспектори билан келишган ҳолда, фуқаролар йиғини кенгашининг қарорига мувофиқ белгиланади ва ўзгартирилади. Жамоатчилик тузилмаси аъзолари сони 6-16 нафар бўлиши лозим.

13. Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Жамоатчилик тузилмасининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратадилар.

14. Жамоатчилик тузилмаси учун фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари жойлашган биноларда алоҳида хоналар ажратилади. Ажратилган хоналарнинг моддий-техника таъминотини яхшилашда маҳаллий ҳокимликлар томонидан ёрдам кўрсатилади.

## IV. Жамоатчилик тузилмаси аъзолигига қабул қилиш

15. Жамоатчилик тузилмаси аъзолигига жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир профилактика тадбирларида ихтиёрий равишда иштирок этиш истагини билдирган, жисмоний ва маънавий соғлом, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қиладиган, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

16. Жамоатчилик тузилмасига ўз турмуш тарзи билан фуқаролар йиғини аъзолари ўртасида салбий тавсифланганлар, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турганлар, руҳий касаллиги, гиёҳвандликка, сурункали ичкиликбозликка ружу қўйганлиги учун тегишли тиббиёт муассасалари ҳисобида турганлар, қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаганлар, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари қабул қилинмайди.

17. Жамоатчилик тузилмаси аъзолигига номзоднинг ушбу Низомнинг 15 ва 16-бандларида кўрсатилган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқиш учун фуқаролар йиғини раиси ва тегишли ҳудуддаги ички ишлар органларининг профилактика инспектори шахсан масъулдирлар.

18. Фуқаролар йиғини раиси ва ҳудуддаги ички ишлар органларининг профилактика инспектори томонидан фуқароларни Жамоатчилик тузилмаси аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқаришни қайд этиш бўйича махсус дафтар юритилади ҳамда аъзолар фаолияти мониторинги олиб борилади. Ушбу дафтар тегишли ҳудуддаги милиция таянч пунктида сақланади.

19. Ўз вазифасини бажармаган, фаолияти салбий баҳоланган, қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилган шахсларни Жамоатчилик тузилмаси аъзолари сафидан чиқариш йиғин раиси тавсиясига асосан фуқаролар йиғини кенгашининг қарори билан амалга оширилади.

## V. Жамоатчилик тузилмаси раҳбарини тайинлаш тартиби, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

20. Жамоатчилик тузилмаси раҳбари лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотли, бевосита тайинлангунгача камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида, таълим муассасаларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

21. Жамоатчилик тузилмаси раҳбари лавозимига фуқаролар йиғини раиси ва ҳудудий ички ишлар органларининг профилактика инспектори тавсияномаси асосида 3 нафардан кам бўлмаган номзодлар тегишли ҳудуддаги ички ишлар органи раҳбари билан келишиш учун тақдим этилади. Келишилган номзодлар орасидан фуқаролар йиғини кенгаши томонидан Жамоатчилик тузилмаси раҳбари танланади ва кенгаш қарорига асосан лавозимга тайинланади.

22. Фуқаролар йиғини раиси фуқаролар йиғини кенгаши қарори билан тайинланган жамоатчилик тузилмаси раҳбари билан меҳнат шартномаси тузади.

23. Жамоатчилик тузилмаси раҳбарига, белгиланган тартибда гувоҳнома ва кўкрак нишони берилади.

24. Жамоатчилик тузилмаси раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамоатчилик тузилмаси аъзоларидан ўзларига юкланган вазифаларни бажаришни талаб қилиш;

ўзига юкланган вазифаларни бажармаётган жамоатчилик тузилмаси аъзоларини аъзоликдан чиқариш юзасидан фуқаролар йиғини раисига таклиф киритиш;

ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан ҳамда фуқаролар йиғини раисидан Жамоатчилик тузилмаси аъзоларини ушбу Низомда кўрсатилмаган вазифалар ва топшириқларни бажаришга жалб этмасликни талаб қилиш.

25. Қуйидагилар Жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг Жамоатчилик тузилмаси фаолиятини ташкил этишдаги мажбуриятлари ҳисобланади:

Жамоатчилик тузилмасининг тегишли ҳужжатларини юритиш;

Жамоатчилик тузилмаси ишини режалаштириш, аъзоларини тегишли ҳудуд ва йўналишлар бўйича тақсимлаш;

йилнинг ҳар чорагида ушбу Низомда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан фуқаролар йиғинига (вакиллар йиғилишига) ҳисобот бериш;

Жамоатчилик тузилмаси аъзолари билан уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича машғулотлар ўтказиш;

Жамоатчилик тузилмаси аъзолари томонидан ўзларига юкланган вазифаларнинг белгиланган тартибда бажарилиши ҳолатини назорат қилиб бориш;

Жамоатчилик тузилмаси аъзоларига вазифаларни бажаришга жалб этишдан олдин қонунийликка ва шахсий хавфсизликни таъминлаш қоидаларига риоя қилиш бўйича тушунтиришлар бериш;

жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашиш бўйича белгиланган вазифаларни Жамоатчилик тузилмаси аъзоларига ўз вақтида етказиш ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш;

ички ишлар органларининг профилактика инспектори ва фуқаролар йиғини раиси билан биргаликда Жамоатчилик тузилмаси аъзолари фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш.

## VI. Жамоатчилик тузилмаси аъзоларининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

26. Жамоатчилик тузилмаси аъзолари тегишли ҳудудда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан ҳамкорликда қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

фуқароларнинг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тегишли ҳудудда қонун устуворлигини ва осойишталикни таъминлаш, жамиятда юриш-туриш қоидаларига ва ахлоқ-одоб мезонларига риоя қилинишини, ҳудудда тартиб ўрнатишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига кўмаклашиш;

ички ишлар органлари ҳисобида турувчи, тарбияси оғир вояга етмаган шахслар билан аниқ мақсадли профилактика тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказишда иштирок этиш;

фуқаролар томонидан паспорт тизими, санитария, ёнғин ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши юзасидан тегишли ҳудудда тушунтириш ишларини олиб боришда иштирок этиш;

ҳудудда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар огоҳлигини ошириш, жиноят содир бўлганда айбдор шахсларни аниқлаш тадбирларида қатнашиш;

конституциявий тизимга карши турли ахборотларни тарқатувчи шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактик-тарбиявий ишлар олиб бориш;

жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга кўмаклашиш, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ҳудудий дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш;

тегишли ҳудудда ноқонуний истиқомат қилаётган, узоқ муддатдан буён уйига келмаётган шахслар ҳамда ўзларига маълум бўлган, содир этиш учун тайёргарлик кўрилаётган жиноятлар тўғрисида тузилма раҳбарини ва ички ишлар органларининг ҳудудий профилактика инспекторини ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

Жамоатчилик тузилмасига юклатилган бошқа вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш.

27. Жамоатчилик тузилмаси аъзолари ўзларига юкланган вазифаларни бажариш жараёнида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

жамоат тартиби, хавфсизлик, жамиятда юриш-туриш ва ахлоқ-одоб ҳамда паспорт тизими, санитария ва экология, ёнғин ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига фуқаролар томонидан риоя қилинмаган ҳолларда тегишли органлар билан биргаликда тушунтириш ишларини олиб бориш ва ташкил этишда қатнашиш;

тегишли ҳудудда содир этилаётган ҳар қандай ҳуқуқбузарликларни тўхтатишни фуқаролардан талаб қилиш;

тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар ўртасидаги турли низоларни ҳал этишда, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни муҳокама қилишда, ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этишга мойил шахслар билан ҳуқуқий-тарбиявий мазмундаги суҳбатларда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа профилактика чора-тадбирларида бевосита иштирок этиш;

ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва жамоат тартибини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган фаолият самарадорлигини оширишга доир таклифларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига киритиш;

Жамоатчилик тузилмаси раҳбари, ички ишлар органларининг профилактика инспектори ва фуқаролар йиғини раисидан ўз хизмат вазифаларини бажариш учун шарт-шароит яратишни ҳамда амалий ёрдам кўрсатишни талаб қилиш.

28. Қуйидагилар Жамоатчилик тузилмаси аъзоларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришдаги мажбуриятлари ҳисобланади:

фуқаролар билан муносабатда оғир, вазмин ва хушмуомала бўлиш;

шахсий хавфсизликни таъминлаш қоидаларига риоя этиш;

ўзининг умумий дунёқарашини, хусусан, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириб бориш;

жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар ёки бахтсиз ҳодисалар содир этилганда бу ҳақда зудлик билан Жамоатчилик тузилмаси раҳбарига, ички ишлар органларига ва бошқа тегишли ташкилотларга хабар бериш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари келгунга қадар жиноят содир этилган жойларга бошқа шахсларнинг кирмаслиги, жиноят излари ва жиноятга алоқадор бўлган барча ашёвий далилларнинг йўқолмаслиги чораларини кўриш;

Жамоатчилик тузилмаси раҳбарига ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига ушбу Низомда кўрсатилган вазифаларни бажаришда кўмаклашиш ва уларнинг қонуний талабларини бажариш;

ўз фаолияти ҳақида Жамоатчилик тузилмаси раҳбарига, фуқаролар йиғини раисига ва ички ишлар органларининг профилактика инспекторига ҳисобот бериш ҳамда ахборот тақдим этиш.

29. Жамоатчилик тузилмаси аъзоларига ўзларига юкланган вазифаларни бажариш вақтида спиртли ичимликлар, гиёҳванд воситалар, психотроп ёки одамнинг ақл-идросига таъсир этувчи бошқа моддалар истеъмол қилиш, қурол ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари хизмат фаолияти давомида фойдаланиладиган бошқа махсус воситаларни ишлатиш тақиқланади.

## VII. Жамоатчилик тузилмаси раҳбарини ва аъзоларини рағбатлантириш

30. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси ўз тизимидаги органларда хизмат қилишга номзодларни Жамоатчилик тузилмаси аъзолари ҳамда раҳбарлари орасидан танлашга ва қабул қилишга алоҳида эътибор қаратади.

31. Жиноятчиликнинг олдини олишда, фуқаролар осойишталигини таъминлашда, жамоат тартибини сақлашда, шунингдек, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни аниқлашда ҳамда ўзига юкланган бошқа вазифаларни бажаришда ўрнак кўрсатган Жамоатчилик тузилмаси раҳбари ва аъзолари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин.

32. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тузилмалар фаолиятида намуна ва ибрат кўрсатаётган Жамоатчилик тузилмаси раҳбари ва аъзоларини, ҳомийларни жалб қилган ҳолда, моддий-маънавий рағбатлантириб боришлари мумкин.

## VIII. Жамоатчилик тузилмаси билан ишлаш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштириш

33. Тегишли ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва ушбу ҳудудда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга доир вазифаларни амалга ошириш, фуқаролар билан муомала маданияти, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришга қаратилган ва бошқа масалалар юзасидан ҳар бир ички ишлар органининг профилактика инспектори Жамоатчилик тузилмаси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

34. Ички ишлар органларининг профилактика инспектори Жамоатчилик тузилмаси билан биргаликда тегишли ҳудудда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифаларни бажаришда, биринчи навбатда, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунчиликка, жамиятда юриш-туриш қоидаларига ва ахлоқ-одоб мезонларига риоя этиш зарурлиги юзасидан тушунтириш ишларини олиб боради.

35. Тегишли ҳудудда жойлашган давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, фуқаролар осойишталигини таъминлашда ва жамоат тартибини сақлашда Жамоатчилик тузилмасига ёрдам беришлари лозим.

36. Ички ишлар органларининг профилактика инспектори фуқаролар йиғини раиси билан биргаликда:

Жамоатчилик тузилмасига юкланган вазифаларни бажариш тартиби тўғрисида аниқ кўрсатмалар беради, ўзаро алоқа ва ҳамкорлик қилиш йўлларини белгилаб беради;

Жамоатчилик тузилмасининг олиб бораётган ишларини, берилган вазифаларни бажариш жараёнидаги хатти-ҳаракатларини мунтазам назорат қилиб боради;

Жамоатчилик тузилмасидан олинган маълумотлар асосида қарор қабул қилишда ушбу маълумотларнинг тўғрилигини текшириб кўради.

37. Жамоатчилик тузилмаси фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, унинг фаолиятини такомиллаштириш ва уни рағбатлантириш ҳақидаги масалалар Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги ҳудудий кенгашлари томонидан ҳар йили камида бир марта муҳокама этиб борилади.

## IX. Якунловчи қоидалар

38. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Жамоатчилик тузилмаси ёрдамидан фақат ушбу Низомда белгиланган вазифалар доирасида, ички ишлар органларининг профилактика инспектори, фуқаролар йиғини раиси, Жамоатчилик тузилмаси раҳбари билан келишган ҳолда фойдаланиши мумкин.

Жамоатчилик тузилмасини ушбу Низомда кўрсатилмаган вазифаларни бажаришга жалб этиш тақиқланади.

39. Жамоатчилик тузилмасига қонунга хилоф топшириқларни бериш, таркибида жиноят аломатлари бўлган ёки жиноятга алоқадор маълумотлар бўлган ҳамда бевосита ички ишлар органлари ваколати доирасига кирувчи ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишни топшириш, уларни давлат ва хизмат сирига эга бўлган ҳужжатлар билан таништириш тақиқланади.

40. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.




## Ёғингарчилик кулфат келтирди

***Мисрда автобус билан юк машинаси тўқнашуви оқибатида 16 киши ҳалок бўлган, беш киши жароҳатланган.***



Катта йўлнинг сув босган қисмида ҳаракатланаётган автобус бошқарувни йўқотган ва юк машинаси билан тўқнашгач, ағанаб кетган.

Якшанба кунги кучли ёмғирлар туфайли йўлни сув босган. Жала Хургаддаги маҳаллий аэропорт томини бузиб юборган. Шунингдек, 8 кишининг ўлимига олиб келган бошқа бир йўл-транспорт ҳодисасига сабаб бўлган.

## Йўқолган самолёт изидан

***Малайзияга қарашли «Боинг-737» самолёти Жанубий Хитой денгизида изсиз йўқолди.***



Шанба куни парвоз қилган самолёт салкам олти соатдан кейин Пекинга қўниши лозим эди. Ундаги аксарият йўловчи — 153 нафар киши хитойлик ва тайванликлардан иборат эди. Яна 38 йўловчи, шунингдек, 12 нафар экипаж аъзоси малайзияликлар. Хуллас, бортда 14 та давлатнинг фуқаролари бор эди.

Ҳаво кемасининг радардан айнан қачон ғойиб бўлгани маълум эмас. У билан алоқа 2 соатлар давом этган. Бу пайтда самолёт Малайзия ҳаво кенгликларидан чиқиб, Жанубий Хитой денгизи устидан ўн километр баландликда парвоз қилаётган эди. Шундан сўнг ундан ҳеч қандай сигнал келмаган.

Денгизда қидирув ишлари бошлаб юборилган. Мазкур амалиётга 40 та ҳарбий, 1800 та балиқ овловчи кема, 34 та учувчи аппарат жалб қилинган.

## Танкер назоратда

***Ливия ҳарбий денгиз кучлари жангарилар томонидан эгалланган Шимолий Кореяга тегишли нефть тўла танкер устидан назоратни қўлга киритган.***



Бу воқеа кема мамлакат шарқидаги Эс-Сидр бандаргоҳидан қўзғалаётганда юз берган. Хукумат кемалари «Морнинг глори» танкерини хавфсиз саналган ғарбий бандаргоҳлардан кузатиб бормоқда.

Амалиёт давомида Шимолий Корея танкерига зарар етмаган. Унда 30 миллион АҚШ доллари миқдорида нефть ортилгани айтилмоқда.

**Интернет материаллари асосида Ризвоной НИЗОМОВА тайёрлади.**